


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

0'zbekistonda sog'lqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 16 октябрь • № 39 (1320)

ЖАҲОН МИНБАРИДА ЯНГРАГАН ОНА ТИЛИМ!

Жаҳонда Давлат тилига бўлган муносабат ҳақида расмий ҳужжатлар ва ОАВ, ижтимоий тармоқларда турли хил қарашлар, фикрлар ҳамда расмий муносабатлар билдирилмоқда. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг жумладан, Ўзбекистон учун ҳам давлат тараққиёти ва равнақининг асосларидан бири сифатида давлат тили (Ўзбек тили) ўта муҳим эканлиги инобатга олинган ва бу борада ҳалқнинг инон-ихтиёри сифатида: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада оширишустида доимий ишламиш зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий ўзликни, Ватан туйгусини англashedек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”dir.

Шу маънода бугунги кунда ўзбек тили дунёдаги қадими бу бой тиллардан биридир. Давлат тили бўлган ўзбек тили ҳалқимиз учун миллӣ ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳамда керак бўлса, иқтисодий тараққиётида ҳам foят мухим ўрин эгаллаб келаётган буюк миллӣ қадрият ҳамdir. Ўзбек тилининг ўзига хос нафосати, латофати ва мuloқотда нозик томонларгача қамраб олиши имкониятининг кенглиги туфайли

буғунги кунда ҳалқaro миқёсдаги жамият тараққиёти ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат, спорт ҳамда бошқа кўплаб соҳалarda кенг қўлланилмоқда. Ўзбек тили, асосан, Ўзбекистонда, шунингдек, кўши Афғонистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозогистон, Туркманистон республикаларида, Россия Федерацияси, Туркия, Саудия Арабистони, Хитойнинг Синъцзян муҳтор райони, АҚШ, Германия ва бошқа бир қатор



мамлакатларида тарқалган. Буғунги кунда ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони тахминан 50 миллиондан ошироқ кишини ташкил этади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XI-XII асрлардан эски туркӣ тилдан ажрала бошлаган эски ўзбек тили ўзининг тарихий тараққиёти давомида мураккаб этногенетик, этнолингвистик жараёнларни босиб ўтди. Ана шу этно-

генетик ва сиёсий-тарихий жараёнлар ўзбек тили тарихида маълум даражада из қолдири. Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобур каби буюк шоир ва мутафаккирлар ўзлари ижод қилган тилини (Ўзбек тили) “туркӣ”, “турк”, “туркча” деб атаб, бу тилни бошқа туркӣ тиллардан алоҳида ажратиб кўрсатдилар. Эски ўзбек тили қадимиги туркӣ ҳамда эски туркӣ тил-

нинг бевосита давоми ва хозирги ўзбек тилининг асоси ҳисобланади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, таҳминан VI-VIII асрлардан бошланган мураккаб этнолингвистик жараён қораҳонийлар даврида қарлук-чигил-уйғур тил бирлигининг вужудга келишига замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

Президент ташрифи

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ОДАМЛАРИ



Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги “Янги Тошкент” махалласини бориб кўрди.

Президент Шавкат Мирзиёев курилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Аҳоли билан суҳбатлашди.

Мажаллада “Нафис либослар” тикувчилик корхонаси ҳам таш-

кил этилди. Унда 50 нафардан зиёд хотин-қиз иш бошлади. Президентимиз улар билан сұхбатлашди.

– Хотин-қизларга эътиборни янада кучайтирамиз. Аёлни рози килолсак, жамиятимиз файзли бўлади, ҳамма режаларимизни амалга ошира оламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона келгуси йили тўлиқ кувватга чиққач, йилига 500 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Уларнинг бир қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари оиласий поликлиникага кириб, соғлиқни сақлаш ҳодимлари билан суҳбатлашди. Тиббиёт билан спорт ҳамоҳанглигини кучайтириб, одамларни соглом турмуш тарзига одатлантириш, аҳолининг умрини узайтириш масалалари юзасидан сўз юритилди.

– Кўп юриш билан тўғри ов-



катланиш маданиятини йўлга кўйиб олсан, тиббиётдаги 30-40 фойз масалани ҳал қилган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги тарғиботни кенгайтириш, рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА.

ЖАҲОН МИНБАРИДА ЯНГРАГАН ОНА ТИЛИМ!

IX асрға келиб эса қарлукчилик-үйгур тил бирлигини ташкил қылган қабилалар иттифоқи қорахонийлар салтанатида алоҳида ўрин тута бошлидай. X аср охири - XI аср бошлиарида ана шу қабилалар иттифоқи үзбек халқининг ташкил топишига, бинобарин, үзбек тилининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Туркӣ халқлар учун муштарак обида хисобланган урхун-енисей тош битиклари, қадимги туркӣ адабий тил даврида яратилган, яъни ўрга Осиё туркӣ халқларининг умумий адабий тили намуналари бўлган "Де-

нинг халқаро мавқеини оширишда муҳим аҳамиятга моликлиги нуқтаи назаридан ҳам барчанинг ўзбек тилига ягона давлат тили мақомига эга тил сифатида устуворлигини таъминловчи муносабатда бўлишини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан бўлса керакки, айрим гегемонлик мавқеига эга бўлган мамлакат раҳбарлари ўз давлатининг тилини жаҳонга кенг миқёсда зўрмас-зўраклилар билан бўлсада ёйиш имкониятларини ошириш учун доимий равишда ҳаракат қилиб келганлар ва бу ҳаракат ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Буни

Она тилим менга муқаддас, буюк.

Лекин ўзбек тили жаҳон минбаридан ЯНГРАДИ!!!

Шоирнинг ва ўзбек миллатининг орзуси ушалди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат тили - ўзбек тилидаги чиқиши нафақат, ўзбекистон халқининг балки, бутун ер куррасидаги миллионлаб ўзбек миллатига мансуб аҳолининг бир неча юз ийликлар давомимда орзу бўлиб келган умид ва ишончларининг рӯёбга чиқиши билан, халқаро миқёсдаги буюк ходисадир!

Бунинг буюк ҳодисалиги шундаки, Ўзбекистон давлати эркин мустақил давлат сифатида ўз йўли ва барча соҳаларда жаҳондаги мавжуд мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилар асосида ҳамкорлик қилиши мумкинларини яна бир бор намоён этди.

Иккинчидан, ер юзидағи ўзбек миллатига мансуб аҳолининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўзбекистондай ота ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ва унга нисбатан интилишларини кучайтириди, десак тўғри бўлади.

Учичидан, маъруза мазмунидан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан келтирилган таклифларнинг бугунги кундаги мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги ўта долзарблиги нуқтаи назаридан, хориж мамлакатларининг ўзбекистон билан, ўзаро манбаатдорлик негизида ҳамкорлик қилиш истагининг ортишини юзага келтириши билан характерлайдир.

Тил - миллатнинг ва давлатнинг энг асосий белгиловчи омили эканлигини мана шу халқаро миқёсда қилинган маъruzadan келиб чиқиб, омма ўртасида давлат тилига бўлган ижобий муносабатни ва мухитни янада мустаҳкамлаш имкониятларини кучайтириш борасида мутасаддиларга ва барчага катор мухим вазифаларни қўйганлиги билан ҳам изоҳланади. Шундай ҳолатларнинг мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистондай кўп миллати мамлакат равнақи учун ўта мухим соҳалари қатори ва улардан бири сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи муассасаларда ва аҳоли ўртасида давлат тилига бўлган ижобий мухитнинг янада самарали бўлишини таъминлаш борасида маъмунишни олиб борилаётганлигини инобатга олган тарзда бу масалага янада ўта жиддий ёндаши талаб қилинади.

Бу борада, вазирликнинг юридик бўлими қатъиятлилиги билан биринчи навбатда вазирлик аппаратида 2018 йилдан бошлаб, чиқарилаётган бўйруқ ва кўрсатма хатларнинг барчаси

давлат тилида чиқарилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти билан ҳамкорликда Соглиқни сақлаш вазирлик аппарати ва бутун тизим муассасалари ходимлари "Давлат тилида иш юритиш" ва 5 томдан иборат "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" китоблари билан таъминланди. Шунингдек, айни пайтда мутахassisлардан иборат гурух томонидан тиббёт ходимларига ва оммага мос келдиган ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, тўлдирилган ва қайта ишланган шаклда "Тиббий атамалар лугати" тай-

ри, ректорат кенгашлари, кафедра кенгашлари қатъий равишда давлат тилида олиб борилиши, таълим ва тиббиёт муассасалари худудларига давлат тилини таргига этувчи бандер ва плакатлар ўрнатилиб, муассасалар томонидан чиқарилаётган бўйруқлар, маънавий-маърифий фаолиятга алоқадор янгиликлар, эълонлар ва барча маълумотлар давлат тилида юритилиши ўйла кўйилди.

Бундан ташқари, тиббиёт таълими муассасалари талаба ўқувчилари ўртасида ўзбек тили бўйича мукаммал билим-



вону луготит турк", "Қутадғу билил" каби қомусий асарлар ўзбек халқи тилининг ҳам дастлабки ёзма ёдгорликларидир.

Эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши XIV аср охирлари ва XV асрға тўғри келади. Бу давр адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида Алишер Навоийнинг ҳам илмий, ҳам амалий хизматлари, адабий ижоди мухим ўрин тутади. Эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида Раббузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи, Атоий, Саккокий, Сайд Аҳмад, Ҳўжандий, Якиний, Лутфий сингари адилар ўз ижодлари билан катта хизмат қылган бўлсалар, Алишер Навоий бу тилининг бой имкониятларини "Хазойин ул-маоний", "Хамса" каби дунё ахлини лол крлдирган қатор асарлари орқали кўрсатиб берди. Шу билан бирга, ўзбек тилининг тадқиқотчиси сифатида ўзининг "Мұҳокамат ул-лутфатайн" асарида эски ўзбек тили (туркӣ)ни форс тилига қиёслаш асосида унинг фонетик, лексик ва грамматик соҳаларда ривожланган, форс тилидан кам бўлмаган тил эканлигини назарий жиҳатдан асослаб берди.

Шундан келиб чиқиб, баралла айтиш лозим, ўзбекларнинг она тили бу ўзбек тили. Давлатга номини берган миллат сифатида ўзбек тилининг жаҳон миқёсида обрўси ва нуғузини оширишга ва давлат-

биз бир давлатда иккى ёки учта давлат тили мақомига эга бўлган давлатлар мисолида кўришимиз мумкин. Ўзга давлат тилларининг аксариёт ҳолларда бошқа давлат тилига ҳаракатини айрим жиҳатлардан, кўпроқ энди ривожланаётган ёки иқтисодий жиҳатдан заифлашган давлатларга нисбатан кўпланилаётганлигига кўпроқ кўриш мумкин. Гегемон давлатларнинг бундай ҳаракатлари ўзидан заиф давлатларни қарамлик боткоғига йўналтиришдан бошқа мақсадга эга эмас.

Бошқа чет тилларни ўрганиш, инсонни камолот сари етаклайди ва буни инкор қўлмаган ҳолда албатта давлат тилини мукаммал билиш борасидаги ҳаракатларнинг устуворлигини таъминлаш ўта зарур. Албатта бу миллати вдиний эътиқодидан қатъий назар уларнинг миллий қадриятлари ва миллий тилини камситмаган ҳолда шу мамлакат шахси бўлган ҳар бир кишининг миқаддас бурчига айланомги лозим.

Шоир айтганидек:

Майли, ким қай тилдан завқ шавқ олса,

Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.

Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишига бўлурман ризо.

Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,

Лекин менинг учун азиз ва суюк.

Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам,

лернамоқда. Тиббий таълим ва даволаш-профилактика муассасаларида Талаба-ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга мухаббат, садоқат туйгуларни шакллантириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда ёшлар иштирокини таъминлаш, Президентимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларга шукроналик хиссини кучайтириш ва бу борада ўз фикрларини ўзбек тилида соғ ва равон ифодалашларига имкон бериш мақсадида "Келинг Ватанимизга қанот бўлайлик" шиори остида талаба-ёшлар анжуманлари ўтказилди. Талабалар ва муассасалар ходимларида Давлат тилига ҳурмат, эътиқодни шакллантириш мақсадида тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, таникли маданият ва санъат арбоблари билан бевосита учрашувлар ташкил этилди. Тиббиёт таълим муассасаларида барча илмий кенгашла-

ларни ривожлантириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, соғ ўзбек тилида гапириш ва имло хатоларисиз ёзиш санъатини шакллантириш мақсадида "Менинг она тилим-буюк тилим", "Она тили - миллатнинг руҳидир", "Она тилим-жону дилим", "Буюк тилим - миллатим кўзгуси" каби мавзуларида мақолалар ва иншолар танловлари ўтказилди ва талаба-ёшларда ўзбек адабий тили тарихини ўрганиш мақсадида Алишер Навоий номидаги адабиёт ва санъат музейига, таникли адилари мизнинг хаёти ва иходи билан яқиндан танишиш мақсадида Гофур Гулом, Абдулла Кодирий уй музейларига, Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйига ташрифлар ташкил этилди. Тиббиёт таълим муассасаларида таҳсил олаётган 2 курс талабаларининг ўкув дастурига 36 соат ҳажмдаги "Бадиий адабиётда тиббий мавзуз курси" киритилди.

Хулоса қилиб айтганде, Давлат тилининг ривожлантирилиши ва уни конун доирасидаги талаблар даражасида ижросини самарали таъминлаш бу факат шу масалага масъул мутасаддиларнингнинг вазифаси бўлиб қолмай, балки барча ўзбекистонликларнинг вазифаси ва муқаддас бурчи ҳисобланади. Барчага ўзбек тили байрами муборак бўлсин!!!

Ёрол АБИЛОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Нотик деди:

"Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирада.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда".

"Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!"
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.

Ким дарғазаб, Ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ!

“Ваъзингни кўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди”.
Барча деди баробар:
“Она тилим ўлмайди”.

— Ҳей, бу қандай ақида! —
Кўлида табаррук жом,
Гўзал форсий ҳақида
Рубоий айтди Ҳайём.

Эҳтиросли, оташдил

Беранже сўрди нолон:
— Накотки, фарангни тил
Йўқолгуси бир замон!

Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
— Ким қасд этиб тиг урди
Она тилим жонига!

Фузулий ёнди: — Озар
Тили гулдек сўлмайди.

Барча деди баробар:
“Она тилим ўлмайди”.

Камалакдек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Асрларча қилдик жанг,
Армон қилдик минг йиллар.

Бекадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!

Йўқолди бу кун, ҳайҳот,
Қабрларда ҳаловат!

“Фауст” ёнди гуриллаб,
“Хамса” ўтга туташи.
Бир садо жаҳон бўйлаб
Таралди, тоглар ошиди.

Бу садо янграп ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Оlam айтар:
Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!
Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Халқ шоири.

ЮРТИМИЗДА ПАНДЕМИЯ БИЛАН БОГЛИК МАНЗАРАНИ БАХОЛАШ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛТИБИЙ БИЛИМ БЎЛИШИ КЕРАК

Мамлакатимизда ахолининг коронавирус билан касалланиши холатларини аниқлашади инфекция ярши хосил бўлган антитаначаларни аниқлаш ҳамда антиген экспресс тусуллари кўлланилимоқда. Лекин коронавирус инфекциясига ташхис қўйиш учун ушбу таҳлиллар ёрдамчи таҳлил тусуллари сифатида ишлатилишини унутмаслик керак. Якуний ташхис қўйишда “олтин коид” сифатида полимер занжирли реакция (ПЗР) маҳсус лаборатория таҳлил натижалари тан олинади. Шунинг учун ҳам статистик маълумотларда факатгина ПЗР усулида тасдиқланган мусбат на-тижалар ҳисобга ўтади.

Жаҳон соғликини сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида коронавирус касаллигини ташхис қўйишда “гумон қилинган” ҳамда касаллик “таҳлиланган” беморлар ўзаро фарқланади. Бу бутун дунёда амал килинаётган тажриба бўлиб, шифкорларга касалликнинг ҳақиқий ҳолати бўйича тегишли хуло-сага келишлари учун ёрдам бўлади.

Айни пайтда юртимизда ташкил этилган саралаш ва таҳсимилаш марказларида маҳсус шифкор кўрги, лаборатория таҳлиллар ва заруратга қараб рентген ёки МСКТ текширувлари ўтказилмоқда. Лаборатория усулида тасдиқланган ҳар битта холатни тулиқ рўйхатга олиш, касалликка чалингларни ўз вақтида сара-лаш ва беморларнинг айни пайтдаги холатидан келиб чи-киб, уйда ёки малакали тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаш-

тирилган муассасаларга йўналтиришга қаратилади. Саралаш ва таҳсимилаш марказларида коронавирус эҳтимоли билан мурожаат қилган, лекин касаллик тасдиқланмаган беморларга ҳам за-ур тавсиялар берилиб, ундаги касаллик ташхисидан келиб чи-киб, тегиши тиббиёт муассасаларига йўналтирилади. Шу билан бирга биз коронавирусдан ташҳари бошқа юқумли касалликлар билан оғриган беморлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Ҳозирги кунда ахолида мавсумий ўтқир респиратор ин-фекциялар (грипп, рино ва адено-вирус), шу билан бирга бактериал пневмония ва юқумли бўлмаган касалликлarda ҳарорат кўтарилиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Коронавируснинг тарқалиши, уни аниқлаш ва даволаш бўйича умумий манзарани тулиқ тасаввур қилиш ва баҳолаш учун

профессионал тиббий билимга эга бўлиш керак. Ихтимой тар-моқларда юртимиздаги пандемия вазияти ҳақида билдирилаётган турли фикрлар, айrim мутасаддиларнинг асосланмаган холосаларига ҳам айнан шундай профессионал билимнинг етиш-маслиги сабаб бўлмоқда. Аслини олганда, пандемияни жиловлашда кўрилаётган барча чора-лар жаҳон тажрибаси, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва энг асосийси, ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида коронавирусга карши кураш жараёнидаги тупланган миллий тажрибага таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу пайтчага мамлакатимизда таш-риф буориб, даволаш жараён-ларида бевосита қатнашган рос-сиялик, америкалик, германия-лик, кореялик ва туркиялик му-такассислар ҳам “COVID-19”ни жиловлашга қаратилган миллий тиббий тизимимизга ижобий баҳо беришмоқда. Ўтган вақт давомида ахолидан келаётган коронавирус билан боғлиқ му-рожаатлар билан ишлайдиган мобил гурухлар, касалликка чалингларни саралаш ва уларни тиббий холатига кўра таҳсимилашга қаратилган марказлар ҳамда касалликни даволаш билан шуғулланувчи шифохона-ларнинг узлуксиз тизими яра-тилганини эътиборсиз қолдириб



бўлмайди. Мисол учун, айни пайтда бирламчи тизимда 202 та маҳсус поликлиника, 1352 та мобил гуруҳ кечоу кундуз, дам олиш кунларисиз фаолият юритмоқда. Етакчи мутахassislar иш-

тироқида 4 гурухга бўлинган ҳолда коронавирус билан касалланган ўта оғир ва оғир холат-даги беморларнинг ҳолати кун-лик онлайн назорат қилиб борилмоқда.

Шунингдек, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрса-тишини ташкил этиш мақсадида коронавирусга чалинган беморларни даволаш бўйича вақтнинчалик кўрсатмаларга амал қилиш борасида барча худудларда малака ошириш курсла-ри ташкил этилиб, унда ижобий натижага кўрсатган шифо-корларгина коронавирусга чалинган беморларни даволаш жа-раёнларига жалб қилинмоқда.

Лазиз ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори.
Эркин МУСАБАЕВ,
Республика вирусология илмий текшириш институти директори.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ: ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАРИДАН ОГОҲЛАНТИРАДИ

Айни кунларда коронавирусни келтириб чиқарувчи “SARS-CoV-2” вирусининг тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жаҳондаги барча соғлиқни сақлаш ташкилотларининг асосий вазифасига айланган. Ҳозирда дунё фармацевтика бозорида юздан ортиқ “COVID-19” касаллигини олдини олиш ёки уни даволашга қаратилган дори воситалари, вакциналар тақлиф этилмоқда. Аммо, афсуски, ҳозирги вақтгача “COVID-19” касаллигини самарали даволаши кафолатланган препарат топилганий ўйқ. Шунга қарамасдан, “COVID-19” касаллигини даволашда яхши натижага кўрсатаётган дори воситалари мавжуд бўлиб, бундай дорилар орасида ҳозирда энг машҳури “Ремдесивир” ва “Фавипиравир” дейиш мумкин.



Ҳақиқатан ҳам шу дори-лар коронавирусни енгишда ёрдам бераяптими, деган савол туғилиши табиий. Шундай экан, “Ремдесивир” вирусига қарши препарати 2015 йил АҚШда яратилган бўлиб, Африқада тарқалган “Эбола” вирусига қарши қўлланилган.

2020 йил 1 майдан бошлаб Америка озиқ овқатлар ва дори воситаларини санитар назорат килиш бошқармаси томонидан коронавирусни даволашда тезкордори сифатида кўлланилишига рұхсат берилган. Ўтган вақт орасида “Ремдесивир” ўзининг ижобий натижаларини ҳам бер-

ди. Шу сабабли коронавирусни даволашда бутун дунёда кўлланимоқда. Ҳозирда “Ремдесивир” препарати ўзбекистонда ҳам “Ремдесса” номи билан ишлаб чиқарилмоқда.

Коронавирусни даволашда яна бир кенг кўлланилаётган дори воситаси бу – “Фавипиравир”. У Японияда “Авиган” (“Фавипиравир”) дори воситаси фақат буюртма асосида клиникаларга етказиб берилади. “Ремдесивир” вирусга қарши дори воситаси эса фақатгина стационар шароитида кўллашга мулжалланган. Чунки “Ремдесивир” дори воситаси “COVID-19” касаллигининг ўрта оғир ва оғир шаклида беморларга тавсия этилади. Сабаби барча дори воситалари сингари ушбу дори воситасининг ҳам фойдалари заарарли тарафлари мавжуд. Жумладан, тиббий кўрсатмасиз пала-партиш ва юқори дозада ишлатиши буйрак этишмовчилигини келтиради, жигар ферменти “Алт”нинг ошишига олиб келади, ўтқир нафас этишмовчили-

лаб Япония клиникаларида коронавирусни даволашда кенг кўлланилиб келинмоқда. “Ремдесивир” ва “Фавипиравир” вирусга қарши дори воситалари ҳақида ҳамма ҳам бўлмайди. Тўғри, Японияда “Авиган” (“Фавипиравир”) дори воситаси фақат буюртма асосида клиникаларга етказиб берилади. Сабаби “Фавипиравир”ни вирус юкламиси кўп бўлганда ва фойдалидан устун деб топилгандагина тавсия этилади. Уни хомиладор аёллар қабул қилганда боланинг кўп нуқсонли туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Буйрак этишмовчилигини чакиради. Ҳаракат функцияларини бузади. Ачинарлиси, санаб ўтилган ножўя таъсирига қарамай, ахоли орасида “Ремдесивир” ва “Фавипиравир” дори воситаларини ишлатишига хоҳиш ортиб бормоқда. “COVID-19” касаллиги билан “асоратланган” ҳолатда тиббий муассасаларига мурожатлар кўпайиб кетди. Бунга эса билиб-бильмасдан кўп микдорда ва керак бўлмаган ҳолатда юқорида санаб ўтилган дори воситаларини ўзбошимчалик билан қабул қилиш сабаб бўлмоқда.

Эъзозбек РИЗАЕВ,
Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси.

КОРОНАВИРУС СМАРТФОНЛАРДА 4 ҲАФТА САҚЛАНАДИ

Австралиялик олимлар банкноталар, ойна, сенсор экранлар, металл даста ва тутқичларда коронавирус бир ойгача колиши мумкинлигини аниқлашди. Вирус “жуда бардошли” бўлиб, хона ҳароратида смартфон ойнаси ва банкноталар каби силлиқ сиртларда 28 кунгача “яшаши” мумкин.

Смартфонлар, банкоматлар ва бошқа шундай қурилмаларнинг сенсор экранлари етарлича самарали тозаланмайди ва коронавирус тарқалиши манбаига айланиши мумкин.

Шунингдек, коронавируснинг қоғоз пулларда узок вақт яшаши одамлар ва ҳаттоқи, географик худудлар ўртасида вируснинг фаол тарқалишига имконият яратади.

Коронавируснинг паст ҳароратда зангламас пўлатада узок вақт қолиши вируснинг гўштни қайта ишлаш корхоналари ва музхоналарда кенг тарқалиши сабабини тушунтириши мумкин ва янги ҳамда музлатилган маҳсулотларда сақлашиб қолишини исботлайди.

Мутахассис тавсияси

СУЯК ЖАРОХАТЛАРИНИНГ АСАБ ТОЛАЛАРИ БИЛАН ҚАНДАЙ АЛОҚАСИ БОР?

Бугунги кунда болалар ўртасида тирсак-бўғин жароҳатлари кўп учраяпти. Ушбу жароҳатларни даволаш боррасида тиббиётимиз қандай салоҳиятга эга, деган савол-нинг туғилиши табиий.

Шундай экан, тўғри, тирсак бўғин жароҳат болалар ўртасида бошқа жароҳатларга қараганда кўп учрамоқда. Бундай бемор зудлик билан болалар травматологи кўригидан ўтиб, тиббий стандартлар бўйича муолажа олиши керак. Акс ҳолда, bemor ногирон бўлиб қолиши мумкин. Ҳозирги кунда бундай жароҳатлар босқичма-босқич даволанади. Бу жараёнда Илизаров аппаратидан фойдаланиб, жароҳат жойи кесилмай, тортиб тўғриланади. Бу bemor вужудида деярли оғир асосат қолдирмайди.

Болаларда остеопороз касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар асосан организимда минераллар камайиши, түфма диспластик касалликлар, баъзи сук бўғим касалликларнинг нотўғри даволаниши кейинчалик боланинг суги муртлашишига олиб келади. Шу ўринда яна бир муаммони ҳам айтиб ўтишини истардим. Илгари тиббиётда сукаги кичик синишлар уч ҳафтада битади, деган қараш бор эди. Бугунги тиббий кузатувлар бу қараш у қадар тўғри эмаслигини кўрсатаяпти. Аксарият шундай жароҳат олган bemorларнинг тузалиши анча чўзилайти. Жароҳатланган аъзони кўпроқ вақт гипсда сақлашга зарурат туфиялати.

Узоқ вақт гипсда туриб ҳаракатланышдан қолган аъзода модда алмашинув ва бошқа жараёнларга зарар етади. Натижада иккиласми касалликлар келиб чиқиши мумкин. Бу муаммо тиббиётимиз олдига жароҳатни кам муддатга гипслаш ва даволашни такомилластириш вазифа кўймоқда.

Суяги жароҳатланган bemorларда асад толаларга ҳам шикаст етишилиги тўғрисида қўйидаги фикрларимни таъкидлаб ўтмоқчиман. Инсон вужуди шундай мукаммал яратилганки, ҳар бир аъзонинг ўз ўрни, ўз вазифаси

натижага эришиш қийин. Ҳозир кўпгина табибларимиз бу масала-га анча жиҳдий ёндашади. Яни, bemorрга шифохонага боришини тавсия этадилар. Бироқ, кўпгина ота-оналар бу тавсияларга риоя килмайди. Натижада боланинг су-

генетик касаллик саналади. Унинг бир неча турлари бор. Бизда асосан гирдобсимон деформация кўп учрайди. Бунда кўкрак ичкарига кирган бўлади.

Чақалокларда бу касаллик-нинг илк белгилари бола усиши билан ривожлана боради. Агар боланинг кўкрагини пайпаслаб кўрсангиз, у ичкарига кириб кетаётгани аён бўлади. Бундай ҳолатда дарҳол болани ортопед кўригига йўлланг. Касаллик қанча эрта аниқланса, самарали даволанади.


Кўкрак қафасида операция ўтказган bemor болалар билан уй шароитида аввало, уларнинг тўғри овқатланиши, тоза ҳавода сайд килиши, юқ кўттармаслигиги назорат қилиш керак. Улар билан нафас машқларини ўтказиш мумкин. Бир кунда 3-4, ҳатто 6 мартағача 15-40 дақиқа давомида нафас машқи ўтказиш тав-

ларда, майдончаларда болалар кўп жароҳат олади. Шикастланган аъзони қимирлатиб бўлмайди. Суяги синган аъзо, масалан, қўл-оёқнинг шакли ва узунлиги ўзгаради. Кўпинча тўлиқ бўлмаган сук синишлари дарҳол сезилмайди, унинг белгилари аста-секин намоён бўлади. Шу сабабли сук синишни лат ейиш, эт узилишидан ажратиш қийин. Буни факат маҳсус текширувдан кейин билиш мумкин.

Суяк синганда биринчи ёрдам кўрсатиши тартиби кўрсатиладиган биринчи ёрдам синган жойни таҳтакачлаб кўйишидан иборат. Биринчи ёрдам берилётганда шикастланган аъзони бутунлай тўрилаш учун ҳаракат қилиш ярамайди. Бундай уринишлар қаттиқ оғриқ сабаб бўлиши, асад ва томирларни жароҳатлаши мумкин. Ҳар қандай очиқ ёки ёпиқ синишлар касалхонада даволанади.

Суяклар соғлом ва бақувват бўлиши ҳамда инсонга узоқ хизмат қилиши учун аввало, инсон ўзини ҳам, яқинларини ҳам, айниқса, фарзандларини шикастланишдан эҳтиётлаши керак. Уйда болалар бемалол ҳаракатланиши, кексалар уйга кириб чиқиши учун куляй шароитлар яратиш керак. Қолаверса, соғлом турмуш тарзи юритиш, зарарли одатлардан узоқ бўлиш, сурункали касалликларни ўз вақтида даволаш ва яхши ҳазм бўладиган, калорияли ва витаминларга бой овқатлар истеъмол қилиш саломатликнинг мухим омилидир.

Искандар ХЎЖАНОВ,
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар травматологияси бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



бор. Жумладан, сукларимиз бизга узоқ йиллар хизмат қилиши учун бутун вужудимиздаги, айниқса, сукларга туташган асад толалари ҳам соғлом бўлиши керак. Агар сукка жароҳат етса, унга яқин жойлашган асад толалари ҳам бундан зарар кўрмай қолмайди. Шу боис сук жароҳатларни тўлақонли даволаш ишлари кўп ҳолатларда нейрохарроҳ, невропатолог шифокорлар билан ҳамкорликда олиб борилади. Ҳозирги кунда тиббиётимизда бу йўналишда электронейромиография усулни кириб келиши касалликка аниқ ташхис кўйиш ва bemorни соғлом хаётга қайтаришда катта имконият бўлмоқда.

Сук чиқкан ёки синган ҳолатларда табибларга мурожаат қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу нотўғри, чунки, сук жароҳатлари жуда мураккаб ҳусусиятларга эга. Бундай ҳолатда жароҳат организмнинг қайси аъзоларига қай даражада зарар етказганига аниқ ташхис кўймасдан бирор

яги чиқкан жойида кучли оғриқ бўшланади. Баъзида жиҳдий касалликлар ҳам ривожланган бўлади. Бундай вазиятда bemorни даволаш узоқ чўзилиши мумкин. Оилаларга борганингизда бу ҳақда ота-оналарга тақрор-тақрор тушунча беришингиз фойдадан холи бўлмайди.

Кўкрак деформациялари бу

сия этилади.

Кўп ҳолларда бола жароҳатланса, ота-она бундан хабарсиз қолиши мумкин. Бунинг учун, кундалик шароитда уйда, кўча-

беморлар ўткинчи оғриқ деб ушбу ҳасталикни эътиборсиз қолдиришади. Тошлар катталашиб, кутилмагандан белда, коринда қаттиқ оғриқ бериб қолганидан кейингина шифокорга мурожаат қилишади. Бу эса, даволаниш жараёнининг оғир ва узоқ вақт давом этишига олиб келади.


Буйракда тош бўлса, илк белгилари қандай кечади?

Сийдикнинг оз-оздан, тез-тез баъзида эса, оғриқ билан келиши кузатилади. Пешоб ранги қизгиш, хиралашган тусга кириши мумкин. Тош пешоб ажралди чиқиш йўлини тўсиги кўйса, bemororda буйрак санчиғи пайдо бўлади. Бу қориннинг деярли ярмини қамраб олган ўта кучли оғриқ кўринишида намоён бўлади. Айни пайтда bemorning ҳарорати ошиши, қон босими кўтарилиши, муздек тер чиқиши, совқотиб қалтираши, холсизлик, кўнгил айниши, айрим ҳолларда қайт қилиши ҳам мумкин. Буйрак оғриғи аксар ҳолларда оғир

жисмоний зўриқиши ёки узлуксиз спиртли ичимлик ичишдан кейин ҳам юзага чиқиши мумкин.

Тошлар факат жарроҳлик амалиёти билан олиб ташла-надими?

Айни пайтда буйракдаги тошдан жарроҳлик амалиётизис ҳам кутилиш мумкин. Бунинг бир қанча замонавий усуллари бор.



Тошлар эндоурологик йўл билан майдаланиб ёки дорилар ёрдамида эритиб туширилади. Катта тошларда асосан анъанавий жарроҳлик муолажаси кўлланилади. Даволаш усули касаллик даражаси ҳамда bemorning умумий ахволидан келиб чиқиб танланади.

www.minzdrav.uz

БҮЙРАКДА ТОШ ҚАНДАЙ ЙИФИЛАДИ?

Кутилмагандан белда, қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши, пешобнинг оз-оздан, тез-тез баъзида эса, оғриқ билан келиши — буларнинг бари буйракда тош ҳосил бўлишининг асосий белгиларидан хисобланади. Ушбу хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усуллари ҳакида 1-сонли Республика клиник шифохонаси урологи Умарбек Қосимов маълумот бериги ўтди.

— Буйракда тош пайдо бўлишининг асосий сабаблари нималардан иборат?

— Кўпчилик буйракда тош пайдо бўлишига фақатгина организимда модда алмашинувининг бузилиши, тузли овқатларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, деб ўйлади. Аслида ушбу касалликка чалинишнинг бошка бир катор омиллари ҳам мавжуд. Етарли микдорда суюқлик қабул қиласли, сийдик йўлларидаги инфекциялар, пешоб ҳажми камайиши ёки таркибида тош ҳосил килувчи моддалар кўпайишидан ҳам буйракда тош йиғилиши мумкин. Шунингдек, қандли диабет ва гипертония билан оғриған bemorларда ҳам

беморлар ўткинчи оғриқ деб ушбу ҳасталикни эътиборсиз қолдиришади. Тошлар катталашиб, кутилмагандан белда, коринда қаттиқ оғриқ бериб қолганидан кейингина шифокорга мурожаат қилишади. Бу эса, даволаниш жараёнининг оғир ва узоқ вақт давом этишига олиб келади.

Буйракда тош бўлса, илк белгилари қандай кечади?

Сийдикнинг оз-оздан, тез-тез баъзида эса, оғриқ билан келиши кузатилади. Пешоб ранги қизгиш, хиралашган тусга кириши мумкин. Тош пешоб ажралди чиқиш йўлини тўсиги кўйса, bemororda буйрак санчиғи пайдо бўлади. Бу қориннинг деярли ярмини қамраб олган ўта кучли оғриқ кўринишида намоён бўлади. Айни пайтда bemorning ҳарорати ошиши, қон босими кўтарилиши, муздек тер чиқиши, совқотиб қалтираши, холсизлик, кўнгил айниши, айрим ҳолларда қайт қилиши ҳам мумкин. Буйрак оғриғи аксар ҳолларда оғир

жисмоний зўриқиши ёки узлуксиз спиртли ичимлик ичишдан кейин ҳам юзага чиқиши мумкин.

Тошлар факат жарроҳлик амалиёти билан олиб ташла-надими?

Айни пайтда буйракдаги тошдан жарроҳлик амалиётизис ҳам кутилиш мумкин. Бунинг бир қанча замонавий усуллари бор.

21 октября 1989 года на 11-й сессии Верховного Совета Республики Узбекистан узбекскому языку был присвоен статус государственного языка.

21 октября 2019 года в Конгресс-холле состоялось торжественное собрание, посвященное тридцатилетию признания узбекскому языку статуса государственного языка.

«Узбекский язык, один из древних и богатых языков мира, является для нашего народа символом национального самосознания и государственной независимости, огромной духовной ценностью. Тот, кто хочет ощутить всю красоту, очарование и богатство нашего языка, его огромные возможности, пусть послушает колыбельные наших матерей, древние дастаны и макомы, песни наших хафизов и баҳши».

